

# **ОНЛАЙН МУХИТДА ЁШЛАРНИ ҲИМОЯ КИЛИШ БҮЙИЧА ҚҰЛЛАНМА**

**Тошкент – 2016**

Бугунги кунда Интернет (*INTERNET – бирлашган тармоқлар, “INTERconnected NETworks”нинг қисқартирилган номи*) – инсон ҳаётининг илк босқичиданоқ унинг ажралмас қисмига айланиб қолгани боис, болаларни унинг хавфидан химоялаш масаласи бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири хисобланади ва мазкур муаммо глобал миқёсда ҳал этилиши тақозо этилади.

Глобал тармоқнинг чегара билмаслиги фойдали ахборотлар билан бир қаторда, нософлом мазмундаги ахборотларнинг ҳам тарқалишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий тарбиясига зиён етказиши мумкин.

Ушбу қўлланма Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази ташаббуси билан Интернет тармоғида ахборот хавфсизлиги муаммолари тадқиқотлари асосида тайёрланган бўлиб, асосан тавсиявий мазмунга эга ҳамда **вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналарига мўлжалланган**.

### **Мақсад – болани Интернетдан ажратиб қуиши эмас, балки унинг камол топиши учун мукаммал воситалар яратиш**

Интернет болалар тарбиясида ўта муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, бола тарбияга оид хулқ-атвор кўникмаси, ҳаёт тамойиллари, фикрлаш ва олам манзарасини кўпроқ айнан Интернет ёрдамида ўрганиш имкониятига эга. Айрим ота-оналар фарзандининг компьютер қархисида бўлган вактида хеч қандай хавотирга ўрин йўқ, деб ўйлади. Бирок виртуал оламда ҳам уларни муайян хавф-хатарлар ва таҳдидлар кутиб турган бўлиши мумкин. Ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассислар томонидан таҳликали шароитларда қай тарзда ўзини муҳофаза қилиш, хавф-хатарлар ва таҳдидлардан химояланиш мумкинлигини англаш учун мураккаб бўлмаган коида ва тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, Интернетда ишлаш пайтида уларни эсда тутиш ва эътибор қаратиш сўралади.

**ХАВФ-ХАТАРЛАР** – уларнинг тармоқда учта асосий тuri мавжуд:

**Контент хавфи** – ёш авлоднинг ахлоқий ва маънавий тарбиясига салбий таъсир этувчи (матнлар, тасвиirlар, аудио-, видео файллар, ҳаволалар) ноқонуний, ахлоқсиз ва заарли бўлган турли ахборотларнинг (зўравонлик, ёвузлик, ҳаёсизлик, одоб-ахлоқ меъёрларига зид сўзлашув, иркӣ, диний ва миллатлараро низоларни келтириб чиқарувчи, терроризм ва диний экстремизм, наркотик ва психотроп моддалар тарғиботи, жонига қасд қилиш, такикланган ўйинлар) Интернет тармоғида доим мавжуд.

**Коммуникацион хавф** – Интернет тармоғида номаълум (яхши таниш бўлмаган) шахслар билан мулоқот жараёнида пайдо бўлади. Тармоқдаги анонимлик ва жавобгарликка тортилмасликни англаш хисси кўп фойдаланувчилар томонидан хақорат, кўрқитиш, кибербуллинг, хиралик ҳамда шантаж қилиш каби ҳолатларга йўл очади.

**Техник хавф** – заарли дастурлардан фойдаланиб (вирус, бот, айғоқчи дастурлар), дастурий маҳсулотларга зарар етказиш, маҳфий ва шахсий ахборотлар ёки шахсга оид маълумотларни ўғирлаш, киберфирибгарлик.

**ТАҲДИДЛАР** – мутахассислар томонидан умумжаҳон “ўргимчак тўри”да болалар дуч келадиган ва уларнинг руҳиятига сўзсиз салбий таъсир этиши мумкин бўлган таҳдидларнинг асосий турлари таснифланиб берилди.

1. Мазмунан зўравонлик, ёвузлик, ҳаёсизлик, ахлоқсизлик, Интернетдаги кимор ўйинлар, наркотик моддалар тўғрисида ахборот, хуқуқбузарлик, иркӣ нафратланишга оид сайт ва материалларга (**фото, видео, аудио ва босма материаллар**) осон кира олиш имконияти.

2. Нотаниш кишилар билан электрон почта, ижтимоий тармоқлар ва турли шубҳали форумлар воситасида мулоқотлар қилиш, турли ёзишмаларни амалга ошириш.

**3.** Болалар Интернетдан фойдаланганда дуч келиши мумкин бўлган ҳолатлар, яъни назорат қилинмайдиган жараён Интернет орқали харид қилиш ва онлайн ўйинларда назоратсиз вақт ўтказиш.

**ТАҲЛИКАЛАР** – ахборот хавфсизлиги эксперtlари томонидан 5 та асосий таҳлика таснифи белгилаб берилди. Агарда уларга бефарқлик билан қаралса, болаларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

**1. Интернетдан назоратсиз фойдаланиш оқибатида ота-она обрўсининг заифлашуви.** Гоҳида ота-оналар “фарзандим улгайди ёки болам бирор-бир машғулот билан банд бўлиб, менга халақит бермасин”, дея уни глобал тармоқ билан ёлғиз қолдирадилар. Бундай ҳолатлар болаларнинг Интернетдан назоратсиз фойдаланишининг биринчи қадами ҳисобланиб, оқибатда, болалар ўз ота-оналарини тингламай, уларни алдаш ва менсимасликни одат қилиб олишади.

**2. Маданият, ғоя, мағкураларнинг аксил тизими.** Ҳаётнинг ушбу мураккаб даврида ўспирин ўзини кўрсатиш ва жамиятда ўз ўрнини эгаллаш йўлларини излади. Мустақил бўлиш кайфиятига эҳтиёж сезади. Ушбу йўлда Интернет тармоқларида тарқалаётган ва тарғибот қилинаётган аксилмаданият тизими, хусусан, “гот”, “эмо” ва бошқа субмаданият оқимлари, диний-экстремистик оқимдаги мағкуралар ҳали шахс сифатида барқарор шакланиб улгурмаган ёш авлодга катта хавф түғдирмоқда. Бундан ташқари, тармоқларда одоб-ахлоқ меъёрларига зид сўзлашув, тушкунлик, инсониятга нафрат, жиноят оламига хос мазмундаги қўшиқларни ҳам учратиш мумкин. Айrim қўшиқларда жамиятга қарши бориш, қонунларга хурматсизлик, низолар, жиноят, суиқасд, наркотик моддалари истеъмоли кабилар ҳам мавжуд. Уларнинг ижобий жиҳати мутлақо бўлмагани боис, уларга ортиқча таърифга ҳожат йўқ.

**3. Аноним Интернет-мулоқотлар.** Таъкидлаш лозимки, онлайн мулоқот ўзининг табиати билан жонли мулоқотдан тубдан фарқ қиласди. Бу ерда мутлақо ўзгача хулқ меъёрлари, этика стандартлари, фарқли мезонлар амал қиласди. Форумлар, чатлар, ҳамжамиятларда номаълум шахслар билан мулоқот қилишга тўғри келади. Анонимлик ҳолати фойдаланувчиларга Интернетда реал ҳаётда айта олмайдиган фикрлар ва ҳаракатлар содир қилишга изн беради. Аноним мулоқотлар ҳақорат, кибербуллинг, камситиш ва хирадлик қилиш сингари ҳаракатларни келтириб чиқариши мумкин.

Болаларнинг хавфсизлиги, маънавий ва жисмоний соғлиги нуқтаи назаридан қаралганда, фарзандларининг Интернет орқали танишув масалаларини ота-оналар назорат қилишлари лозим бўлган жиҳатлардан бири ҳисобланади.

**4. Шахсий маълумотларни йўқотиши** – бу Интернет тармоғи фойдаланувчиларининг (болалар ва ўсмирлар) ўта ишонувчанлиги ва очиқлиги боис содир бўлади. Ушбу ҳолатлар ижтимоий тармоқларда рўйхатдан ўтиш пайтида, онлайн харидлар қилаётганда, чат ва форумларда анкеталарни тўлдириш чоғида кузатилади. Шахсий маълумотлар тўплами ёвуз ниятили кишилар учун жуда қулай ўлжа бўлиб, бундан улар ўзларининг гаразли ва ноқонуний мақсадларида фойдаланишлари мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий тармоқлардаги аккуантлар (саҳифалар) шахсий маълумотлар йўқоладиган (ўғирланадиган) асосий жой бўлиб ҳисобланади. Кўп сонли ёш фойдаланувчилар ўз аккаунтларида эркин фойдаланиш учун барча маълумотларни, яъни туғилган куни ва исмини (телефон рақами, мактаби, яшаш манзили, қайси жойларда бўлишни яхши кўришини, кайфияти ва характеристини ёзишини хуш кўради), шу жумладан, катта ҳажмда фотосуратларни ҳам жойлаштиради.

**5. Ўйинларга қарамлик.** Онлайн ўйинлар ҳақиқатан ҳам қизиқарли, уларнинг яратувчилари болалар ўйин жараёнида кўпроқ вақт давомида қолиб кетишлиари учун барча чораларни кўриб қўйишган. Замонавий онлайн ўйинларда маълум босқичлардан ўтиш ва ўйин қаҳрамонларини такомиллаштириб бориш учун кўп вақт талаб этилади ва бу жиҳатлар, ўз навбатида болаларнинг ўйин жараёнида узок вақт қолиб кетишлиарини таъминлайди. Ўспирилар ўзларини намоён қилишга эҳтиёж сезганлари боис, бундай имкониятни айнан ана шундай онлайн ўйинлардан ахтаришади. Бу ҳолатлар эса болани

рухий қашшоқлашувига, ўйинга қарам бўлиб қолишига олиб келади. Ўйинларга қарам бўлиб қолиб, кўп болалар овқатланиш, дарс тайёрлашни унутиб, уйқусизликка ҳам дучор бўладилар.

**6. Заарли дастурлар (вируслар, спамлар, жосуслик дастурлари, фишинглар)** орқали дастурний маҳсулотларни шикастлаш. Фирибгарлар аксарият ҳолларда ёш фойдаланувчиларнинг ишонувчанлик ва турли хил ҳужумлар ҳақида бехабарлигидан фойдаланиб, уларнинг компьютерига ўзларининг заарли дастурларини киритишга эришидилар. Шу боис, нотаниш ҳаволаларга ўтиш, номаълум сайтлардан дастурлар ва мультимедиа файлларни юклаб олиш, нотаниш “дўстлар”дан келган хатларни ўқиши, ўз навбатида, компьютерни вирус билан заарланиши каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

**Компьютер вируси** – заарли дастур тури бўлиб, ўзининг нусхаларини яратади ва бошқа дастурлар кодига кириб, турли алоқа каналлари орқали ўзининг нусхаларини тарқата олади. Вируснинг мақсади – компьютерни ишдан чиқариш, файлларни ўчириш, фойдаланувчи ишини тўёсиш ва ҳ.к.

**Жосуслик дастурлари** – компьютерга унинг конфигурацияси, фойдаланувчи, унинг фаолияти ҳақидаги маълумотларни тўплаш учун яширин тарзда ўрнатиладиган бўлиб, у, шунингдек, созлаш тизимини ўзгартириш, фойдаланувчига билдиримаган ҳолда дастурлар ўрнатиш ва унинг хатти-ҳаракатлари ҳақида тегишли жойга маълумотларни юбориб туриш сингари бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

**Спам** – заарли материалларни ўз ичига олган хатларни оммавий тарзда жўнатиш.

**Фишинг** – одатда расмий хабар ниқоби остидаги хат ёки ҳавола. Жабрланувчи шахс алдовни сезмаслиги учун сайт ёки хабар аслидагидек (расмий) кўринишга эга бўлади.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, қолаверса, ёшларни Интернетда ҳимоя қилишни назарда тутган ҳолда, Интернет хавфсизлигига оид бир нечта оддий маслаҳатларни тавсия қилмоқчимиз. Бироқ, ҳар бир бола ўзига хос алоҳида индивидуал шахс эканлиги ва уларга алоҳида ёндошув кераклиги боис, мутахассислар болалар ва ўспириналарни куйидаги тоифаларга ажратиши:

**1) 7-10 ёш** – бу ёшда боланинг фарқлаш ҳисси жуда фаол бўлгани боис, унга тўғри ахборотларни беришни назорат қилмоқ лозим. Чунки, шу ёшда ахборотни англаш қобилияти шаклана бошлайди. Ушбу ёшдаги фойдаланувчиларнинг аксарият қисми эндиғина ўқиши ўргангани, қайси сайтга киргани ва қандай муаммоларга дуч келиши мумкинлигини охиригача тушуниб етмайдилар. Мультфильм ва ранг-баранглиги билан жалб қилувчи ўйинларга қизиқиш бўлгани боис, болалар кўп ҳолларда шу каби ахборотларни излашади. Шу сабабли, 7-10 ёшдаги болаларнинг Интернетдан фойдаланишини ота-оналар ёки катталар томонидан доимо назорат қилиниши зарур. Интернет тармоғида тарқалаётган ва ёш авлодга зиён етказиши мумкин бўлган ахборотларни фильтрлаш ёки заарли ресурсларни чеклаш мақсаддага мувофиқ бўлади. Ушбу ёшдаги болаларга мувофиқ келувчи веб-сайтлар рўйхатини тузиш ёки фильтрлаш дастурларидан фойдаланган ҳолда, Интернетга киришларини назорат қилиб бориш зарур. Мақсад – ушбу ёш вакилларига Интернетдан фойдаланишда хавфсизликка риоя қилишнинг асослари, мулоқот этикети ва у ёки бу ахборотнинг тўғрилигини идрок қилишга ўргатиш.

**2) 10-13 ёш** – Мазкур давр ўта муҳим бўлиб, бола учун ўтиш даврининг энг мураккаб пайти ҳисобланади. Ушбу ёшдаги болалар кўп нарсани тушунишга ҳаракат қиладиган ва қизиқувчан бўладилар. Интернет тармоғида ўйинлар ва ахборотларни излаш билан бир қаторда, ушбу ёшдагилар дўст ва танишлар топиш мақсадида ижтимоий сайтлар ва чатлардан фаол фойдаланишади.

**3) 13-16 ёш** – Мазкур тоифа ўсмиirlардан иборат. Ушбу тоифадаги ўсмиirlар, шахс сифатида ва жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида айнан шу ёшда шаклланиши боис, фаолият доирасининг қамрови кенглиги ва алоҳида эътибор талаб этиши билан ажралиб туради. Бу тоифадаги ўсмиirlар Интернетдан фаол фойдаланадилар. Интернет улар учун

улкан ахборот манбаси, тенгдошлари ва дўстлари билан мулоқот воситаси, шу жумладан, вақтичоғлик қилиш имконияти ҳамдир. Ёшларнинг аксарият қисми ижтимоий тармоқлардан ва тезкор хабарли иловалар (мессенжерлар)дан фойдаланади.

Мазкур ёшдаги энг катта муаммо – бу ота-оналар томонидан “болаларимиз улғайди” қабилида уларни тўла назорат қилмасликдир. Бу ёшни яна “ахборот очлиги” ёши, деб ҳам аташ мумкин. Бу даврда болалар улғайиб, барча нарсалар ҳакида кўпроқ билишни хоҳлайдилар. Онлайн мулоқотга кириш улар учун кундалик ҳаётининг бир қисми хисобланади.

Бугунги кунда болалар ва ўсмирларларнинг Интернет тармоғидан фойдаланиш вақтини тартибга солувчи норма ишлаб чиқилмаган. Мутахасиссларнинг фикрлари бир-биридан фарқ қиласди. Аксарият руҳшунослар, шифокорлар ва педагогларнинг фикрича, Интернет тармоғидан фойдаланиш вақти куйидагича тақсимланиши лозим:

- ✓ 7 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар – кунига 1 соат
- ✓ 10 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар – кунига 1,5 соат
- ✓ 13 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар – кунига 2 соат

Таъкидлаш жоизки, бу вақт оралиғида экран қаршисидаги бола камида 10 дақиқа танаффус қилиши керак. Ўсмирлар ва болаларни компьютер қаршисида, жумладан, Интернет тармоғида вақт ўткизишининг юкоридаги каби тақсимланишидан мақсад “Интернетга қарамлик”, кўриш қобилиятининг пасайиши (“куруқ кўз” синдроми), умуртка поғонасининг қийшайиши (скалиоз), қоматнинг бузилиши (букчайиш) каби касалликлардан асраридир.

#### **7-10 ёш тоифасидагилар учун химояланиш бўйича таклифлар**

- кидирив хизматидан фойдаланишдан аввал сизга қандай маълумот кераклиги ҳакида ўзингиз аниқ тасаввурга эга бўлинг;
- нотаниш сайтларга кирманг, нотаниш ҳаволаларга ўтманг, бундай веб-сайтлар ҳаволаларини бошқалар билан бўлишманг;
- агарда сиз билмай ёки адашиб, сизда салбий муносабат уйғотадиган, катта ёшдагиларга мўлжалланган контентдан иборат сайтга кириб қолсангиз, тезда чиқиб кетинг;
- файлларни юкламанг ва жойлаштируманг (бу ўринда катта ёшдагилар ёрдамига таянинг);
- шартларни қабул қилманг, анкета тўлдирманг, бошқа талаблар сўралганда эса рад этинг;
- сиз тез-тез фойдаланаётган тўғри ва ҳаққоний контентга эга ресурсларни “танланганлар”га кўшинг;
- сизга нотаниш кишилар ва сайтлардан кўпол, беадаб мазмунидаги хабарлар кела бошласа, уларни жавобсиз қолдириб, блокировка қилинг.

Ҳар қандай вазиятда, агарда сиз нимадандир хавотирлансангиз, буни ота-онангиз билан муҳокама қилинг.

#### **Мазкур тоифадаги болаларнинг ота-оналарига тавсиялар:**

- Болаларга Интернетдан фойдаланиш жараёнида нима қилиш мумкин ва нима қилиш мумкин эмаслигини тушунтиринг;
- болангизнинг тармоқда бўлиш вақтини чекланг, у компьютер қаршисида бўлган пайтда мумкин қадар бирга бўлинг;
- номақбул сайтларни браузернинг “кора рўйхат”ига киритиб қўйинг. Кўпчилик дастурий маҳсулотлар (шу жумладан браузерлар) антивирус химоясига эга бўлиши билан бир қаторда, ота-оналар назорати функциясига ҳам эгадир. Шу боис, улар болаларингиз Интернетда бўлган чоғларида химоячи вазифасини бажара олади;
- агарда фарзандингизга Интернет-чатга кириш ёки хабарларнинг тезкор алмашинуви дастурлари (мессенжерлар)дан фойдаланишга рухсат берган бўлсангиз, унга

нотаниш ёки ишониб бўлмайдиган кишилар билан мулоқот қилиш ёки хабарлар юборишининг хавфли томонлари, Интернетдан фойдаланганда жиддий хавф-хатарларга дуч келиши мумкинлиги ҳақида уқтиринг;

- Интернетдан фойдаланиш жараёнида болаларингизга нималар нокулайлик туғдираётгани ёки кайфиятига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақида сизни хабардор қилиб боришини сўранг.

### **10-13 ёш тоифасидагилар учун химояланиш бўйича таклифлар**

- қидиув хизматидан фойдаланишдан аввал сизга қандай маълумот кераклиги ҳақида ўзингиз аниқ тасавурга эга бўлинг;
- нотаниш сайтларга кирманг, ишончсиз манбалар манзилларидан ва нотаниш одамлардан келган хат ва таклифномаларнинг ҳаволаларига ўтманг, бундай веб-саҳифалар ҳаволаларини бошқалар билан бўлишманг;
- агарда сиз билмай ёки адашиб, “болаларга мўлжалланмаган” маълумотлар, видео, аудиоматериаллар (ҳаёсизлик, зўравонлик, ёвузлик) мавжуд бўлган сайтга кириб қолсангиз, тезда чиқиб кетинг;
- нотаниш файлларни юкламанг ва уларни ота-онангиз рухсатисиз ўрнатманг;
- кам таниш бўлган сайт ёки турли хил ҳаволалар томонидан муайян талаблар сўралганда, уларни рад этинг, анкетани тўлдирманг, шартларини қабул қилманг;
- шахсингизга оид маълумотларни махфий сақланг. Ўзингизга тегишли бўлган шахсий маълумотларни (Ф.И.Ш., манзил, телефон, туғилган сана) очик фойдаланиш мумкин бўлган тармоқларда жойлаштируманг;
- паролни сир сақланг, ошкор қилманг, дўстлар ва танишларингизга берманг. Паролингиз мураккаб, яъни сон, ҳарф ва белгилардан иборат бўлсин;
- агарда ўйин ўйнаётган бўлсангиз ёки кўп сонли нотаниш фойдаланувчилар бўлган чатда ҳақиқий исмингиз ўрнига “ник”дан фойдаланинг;
- онлайн муҳитда ким билан танишаётган ва суҳбатлашаётган бўлсангиз, эҳтиёт бўлинг. Агар нотаниш ёки иккилантираётган шахс сизга дўстлик таклиф қилса, қабул қилманг. Суҳбатдошингиз ўзи ҳақидаги ҳақиқий маълумотларни яшириб, ўзини бошқа шахс сифатида кўрсатаётган бўлиши мумкин;
- сизга нотаниш кишилар ва сайтлардан қўпол, беадаб мазмунидаги хабарлар кела бошласа, ҳақоратли ва таҳдидли мурожаатларни жавобсиз қолдириб, блокировка қилинг. Уларнинг таъсирига тушиб қолманг.

Ҳар қандай вазиятда, агарда сиз нимадандир хавотирлансангиз, буни ота-онангиз билан мухокама қилинг.

### **Мазкур тоифадаги болаларнинг ота-оналарига тавсиялар:**

- болангиз билан суҳбатлашиб, унга Интернетдан назоратсиз фойдаланишнинг салбий оқибатлари, Интернетдан фойдаланиш жараёнида нима қилиш мумкин ва нима қилиш мумкин эмаслиги ҳақида тушунтиринг;

- боланинг тармоқда бўлиш вактини чеклаб қўйинг, у кираётган ресурсларни назорат қилинг ёки у компьютер қаршисида бўлган пайтда мумкин қадар бирга бўлинг;

- агарда фарзандингизга Интернет-чатга кириш ёки хабарларнинг тезкор алмашинуви дастурлари (мессенжерлар)дан фойдаланишга рухсат берган бўлсангиз, унга нотаниш ёки ишониб бўлмайдиган кишилар билан мулоқот қилиш ёки хабарлар юборишининг хавфли томонлари, Интернетдан фойдаланганда жиддий хавф-хатарларга дуч келиши мумкинлиги ҳақида уқтиринг;

- агарда болангиз ижтимоий тармоқлардан фойдаланмоқчи бўлса, унга ўзингиз аккаунт яратиб беринг (логин ва паролини билган ҳолда), саҳифасига қандай маълумотларни жойлаштиришини назорат қилинг;

- болангизнинг виртуал оламдаги барча дўстлари ҳақида хабардор бўлиб боринг. Онлайн дўст билан ҳақиқий ҳаётда ёлғиз учрашиш мумкин эмаслигини унга уқтиринг;

- заарли сайтларни браузернинг “кора рўйхати”га киритиб қўйинг ёки компьютерга ота-она назорати функциясини ўрнатинг. Ушбу дастур сиз бўлмаган чоғда ҳам болангиз томонидан заарли сайтларга кириш ҳолатларини чеклайди;

- Интернетдан фойдаланиш жараёнида болаларингизга нималар нокулайлик тугдираётгани ёки кайфиятига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақида сизни хабардор қилиб боришини сўранг.

### **13-16 ёш тоифасидагиларни ҳимояланш юзасидан таклифлар.**

- қидирув тизимидан фойдаланаётганингизда фақат ўзингиз учун керакли бўлган ахборотни изланг;
- ишончли манбалар ва текширилган сайтларнинг ахборотларидан фойдаланинг. Ахборотни бошқа ишончли манбалар орқали икки карра текшириб кўринг;
- кам таниш бўлган ёки сизда шубҳа уйғотаётган веб-сайтларга кирманг;
- нотаниш сайтларга кирманг, ишончсиз манбалар манзилларидан ва нотаниш одамлардан келган хат ва таклифномаларнинг ҳаволаларига ўтманг, бундай веб-саҳифалар ҳаволаларини бошқалар билан бўлишманг;
- агарда сиз билмай ёки адашиб, сизда салбий муносабат уйғотадиган номақбул контент (видео, аудио, фото ёки бошқа маълумотлар)га эга сайтга кириб қолсангиз, тезда чикиб кетинг;
- кам таниш бўлган ёки текширилмаган ресурслардаги файлларни юкламанг ва ота-онангиз рухсатисиз ўрнатманг;
- охиригача ўқимай туриб, таклиф этилаётган шартларга рози бўлманг ва қабул қилманг;
- кам таниш бўлган сайт ёки турли ҳаволалардаги анкета ва бошқа талабномаларни тўлдирманг;
- ўзингизга тегишли шахсий маълумотларни (Ф.И.Ш., манзил, телефон, туғилган сана) очик фойдаланишдаги тармоқларда жойлаштирунг. Шахсий маълумотлар маҳфий сақланиши лозим;
- эсингизда бўлсин, Интернет бу сизнинг “қолдиранг рақамли изингиз”. Бу ерда сиз жойлаштирган барча шахсий маълумотлар, видео, аудио роликлар ёки тасвиirlар доимий сақланади. Бошқа фойдаланувчилар томонидан мазкур маълумотларингиз гаразли мақсадларда фойдаланиши мумкин;
- дўстларингиз ва танишларингизга пароль ва логинингизни ошкор қилманг. Уларни сир сақланг. Паролингиз мураккаб, яъни сон, ҳарф ва белгилардан иборат бўлсин.
- агарда ўйин ўйнаётган бўлсангиз ёки кўп сонли нотаниш фойдаланувчилар бўлган чатда ҳақиқий исмингиз ўрнига “ник”дан фойдаланинг;
- онлайн мухитда ким билан танишаётган ва суҳбатлашаётган бўлсангиз, эҳтиёт бўлинг. Агар нотаниш киши сизга дўстлик таклиф қиласа, қабул қилманг.
- агарда сизга нотаниш кишилардан ёки сайтлардан спам-хабарлар кела бошласа, уларни очмасдан ва ўқимасдан ўчириб ташланг. Уларда вируслар бўлиши мумкин;
- агарда сизни тармоқда кимдир ҳақоратласа ёки таҳдидли хабарларни жўнатса, уларнинг таъсирига берилманг, мурожаатларини жавобсиз қолдириб, блокировка қилинг.

Ҳар қандай вазиятда, агарда сиз нимадандир хавотирлансангиз, буни ота-онангиз билан муҳокама қилинг.

### **Мазкур тоифадаги болаларнинг ота-оналарига тавсиялар:**

- имкон қадар боланинг тармоқда бўлиш вақти ва у кираётган ресурсларини назорат қилинг ёки у компьютер қаршисида бўлган пайтда бирга бўлинг;
- болангиз билан суҳбатлашиб, унга Интернетдан назоратсиз фойдаланишнинг салбий оқибатлари, Интернетдан фойдаланиш жараёнида нима қилиш мумкин ва нима қилиши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтиринг;

- фарзандингизга унинг онлайн дўсти аслида ўзи тасвирлаётгандай эмас, бутунлай бошқа шахс бўлиб чиқиши мумкин эканлигини тушунтиринг;
- агарда болангиз виртуал дўсти билан реал ҳаётда учрашишни хоҳласа, бундай ҳолатда, эҳтимолий дилхираликнинг олдини олиш мақсадида, бирор-бир яқин (катта ёшдаги) киши билан бирга учрашувга чиқиши лозимлигини тушунтиринг;
- катта ёшдагилар билан маслаҳатлашмасдан Интернет-магазин орқали харид қилмаслик кераклигини болангизга тушунтиринг;
- агарда болангиз ижтимоий тармоқлардан фойдаланса, ўз аккаунтига жойлаштириб бораётган маълумотлар билан таништириб боришини сўранг, логин ва паролидан хабардор бўлинг, ўз саҳифасига қандай ахборотларни жойлаштираётгани ва фойдаланаётганини назорат қилинг;
- Интернетдан фойдаланиш жараёнида болаларингизга нималар нокулайлик туғдираётгани ёки кайфиятига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақида сизни хабардор қилиб боришини сўранг.

## Хулоса

Мазкур кўлланмада Интернет маконида учрайдиган хавф-хатар, таҳдидлар ва таҳликалар ҳақида сўз юритилгани оқибатида ўқувчида Интернетнинг зарарли ва бузғунчи восита эканлиги ҳақида нотўғри тасаввур уйғониши эҳтимоли ҳам мавжуд. Аслида эса ундей эмас. Интернетда жуда кўп фойдали, маърифий ва қизиқарли ахборотлар мавжуд бўлиб, улардан тўғри ва самарали фойдаланган шахсда турли соҳалар бўйича билими ошиб боради. Ота-оналарнинг вазифаси “виртуал оламнинг” барча ижобий жиҳатлари билан фарзандларини таништириш ва ўргатиб бориш ҳисобланади. Бунинг учун барча ахборотларни ота-оналар, аввало, чуқур текшириши ва буни фарзандларига ҳам ўргатиши, уларни чинакам улкан илм ва юксак санъат намуналари билан таништириб, уларда дунё қиёфасига мос бўлган қадриятлар тизимини шакллантириши лозим бўлади. Шу билан бир қаторда, ёш фойдаланувчиларда **Интернет-маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш ўта муҳим аҳамият касб этади.**

**Интернет-маданият** – ҳар қандай манба ва мазмундаги ахборотни истеъмол қилиш, ўзлаштириш ва узатишини назарда тутади. Интернет-маданият – бу Интернет тармоғидаги ижтимоий онгга салбий таъсир этувчи, жумладан, амалдаги давлат тузумига қарши қаратилган нохолис характердаги, диний-экстремистик, террористик, ҳаёсизлик, шафқатсизлик ва бошқа мазмундаги ахборотлардан фойдаланишнинг онгли равища чекланилиши демакдир. Интернет-маданиятнинг замирида мuloқotga нисбатан умумқабул қилинган ахлоқий талаблар, шунингдек, ҳар бир инсоннинг бетакрорлиги ва қадр-қимматининг бевосита тан олиниши мужассам бўлган.

Интернет-маданиятни билмаслик фойдаланувчи томонидан Интернет ва ижтимоий тармоқларда чекланмаган миқдорда мuloқot қилишига, “аноним” фойдаланувчилар билан текширилмаган ва тасдиқланмаган ахборотлар алмашинувига олиб келиши мумкин. Бундай тенденция фойдаланувчиларнинг Интернет оламида оммалашаётган кибержиноятчилик, кибербуллинг таъсирига тушиб қолишларига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Бундай ташқари, шуни ҳам таъкидлашни жоизки, доимий равища сайларни назорат қилиш ва номақбул контентларни блокировка қилишдан кўра, болалар билан ишончли муносабат, очиқ ва самимий мuloқotда бўлиш анча самарали натижалар бериши мумкин.

Кўлланма Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги хузуридаги Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирликларининг 2016 йил 7 апрелдаги 14-03-, 24- ва 22-к/қ-сонли қарори билан тасдиқланган.